

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШЕРМАНОВ ИСОБЕК ЧИЛМАМАТОВИЧ**

**ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТДА МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ УЙҒУНЛАШТИРИШ  
ДИАЛЕКТИКАСИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2018**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Шерманов Исобек Чилмаматович**

Ижтимоий тараққиётда моддий ва маънавий ишлаб  
чиқариш жараёнларини уйғунлаштириш диалектикаси.....3

**Шерманов Исобек Чилмаматович**

Диалектика гармонии процесса материального и духовного  
производства в социальном прогрессе.....17

**Shermanov Isobek Chilmamatovich**

Dialectics of harmony of the process of material and spiritual  
production in social progress .....31

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of publications

Список опубликованных работ.....35

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШЕРМАНОВ ИСОБЕК ЧИЛМАМАТОВИЧ**

**ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТДА МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ УЙҒУНЛАШТИРИШ  
ДИАЛЕКТИКАСИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fal88 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Яхшиликков Жўрабой Яхшиликovich**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Чориев Санжар Анварович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Алиев Бекдавлат**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.:(0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rektor@samdu.uz](mailto:rektor@samdu.uz) Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.О.Тураев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**А.Р.Самадов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа фанлари номзоди, доцент

**Ш.С.Кушаков**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тарихий тажрибасидан маълумки, кишилиқ жамияти цивилизациясининг ҳар қандай босқичида моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнини уйғунлаштириш барқарор тараққиёт учун асос бўлган. Ижтимоий тараққиётнинг бугунги босқичида ҳам бутун дунёда тинчлик, ҳамкорлик, глобал барқарорликни таъминлаш – моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнини уйғунлаштиришга боғлиқлигини кўрсатмоқда. Бу эса, моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнини уйғунлаштириш диалектикаси хусусиятларини аниқлаш зарурлигини белгилайди. Ушбу долзарб масаланинг ечими моддий ва маънавий ишлаб чиқариш соҳасидаги ислохотларни янада такомиллиштиришни ҳамда амалиётга кенг жорий қилишни тақозо қилади.

Жаҳон фанининг ҳозирги замон илмий концепцияларида, гарчи, моддий ва маънавий ишлаб чиқаришни уйғунлаштиришнинг тарихий зарурлиги, объектив шарт-шароитлари ҳақидаги ғоялар етарли бўлса ҳам, аммо ижтимоий фанларнинг категориялари, тушунчалари, назарий-методологик асосларини такомиллаштириш нуқтаи назаридан моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнини уйғунлаштиришни оптимал ташкиллаштириш хусусиятларига оид изланишлар ҳали етарли эмас. Айнан шу йўналишдаги тадқиқотлар моддий ва маънавий ишлаб чиқаришни уйғунлаштириш жараёнини оқилона бошқаришда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Бундай тадқиқотлар турли фан йўналишларининг интеграциялашуви ва дифференциялашуви натижасида шакллантирилади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида иқтисодиётни либераллаштириш, инновацион ғояларни ҳаётга кенг жорий қилиши, “...мамлакатимиз иқтисодиётининг бозор ислохотларига ўтиши илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга бўлган янги ёндашувларга йўл очиб берди”<sup>1</sup>. Бу эса ижтимоий тараққиётда моддий ва маънавий омилларни уйғунлаштириш, ишлаб чиқаришда рақобатбардошлиқни ривожлантиришнинг назарий-фундаментал асосларини яратишда кенг йўл очади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 3 февралдаги ПФ-4944-сон «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятларга тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.169-бет..

белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. - «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мустақиллик йилларида мамлакатимиз моддий ва маънавий ҳаётини янги босқичга кўтаришда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов ва Президент Ш.Мирзиёев асарларидаги маънавий-ахлоқий кадриятларни, миллий ўзликни англаш ва мустақилликни янада мустаҳкамлаш борасида билдирган фикрлари мазкур тадқиқотнинг илмий-методологик асоси бўлиб хизмат қилди.

Ҳозирги даврда мамлакатимизнинг мустақил ижтимоий тараққиётида моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнларининг хусусиятларини ўрганиш ва уни тизимли тарзда шакллантириш, бошқариш, ривожлантириш борасида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, Н.А.Абдусаметов, Б.Валиев, С.Отамурадов, Ж.Я.Яхшиликлар моддий ишлаб чиқариш субъектларининг иқтисодий маданиятини шакллантириш ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича олиб борган илмий тадқиқотларида иқтисодий ва маънавий уйғунлиги диалектик зарурият эканлиги кўрсатиб ўтилган. Айни масалада, Ш.Тўраев<sup>1</sup>нинг тадқиқотларида иқтисодий ва маънавий уйғунлиги диалектик зарурият эканлиги кўрсатиб ўтилган бўлиб, асосий эътибор маънавий омилларни миллий ғоя талаблари асосида ёритиб беришга қаратилган.

Хорижлик Л.Барзу, Н.Гирван, К.Григорян, Т.Соснина каби олимлар ушбу феноменни кенг қамровли тадқиқот объекти сифатида умумий жиҳатларини тадқиқ этишган, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимлари Ю.П.Евдокимова, Л.И.Казакова, И.Б.Сесюнина ва бошқа тадқиқотчилар<sup>2</sup> томонидан масаланинг фақат маънавий томони ўрганилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишларининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қарор топишининг фалсафий-маънавий асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётида моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнларини уйғунлаштириш диалектикасини фалсафий асослаш.

---

<sup>1</sup> Тўраев Ш. Ўзбекистонда демократик жамият ривожидида иқтисодий ва маънавий омиллар уйғунлиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 4, 6, 104 б.

<sup>2</sup> Евдокимова Ю.П. Духовное производство: сущность, структура, особенности развития: Автореф. дис. к-та филос. наук: 09.00.11. МПГУ. – М., 2003. – 29 с., Сесюнина И.Б. Духовное воспроизводство (философско-социологический аспект): Автореф. дис. д-ра филос. наук. 09.00.11. МПГУ. – М., 1992. – 29 с.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

«мустақил ижтимоий тараққиёт», «моддий ишлаб чиқариш», «маънавий ишлаб чиқариш» тушунчаларига ижтимоий-фалсафий таъриф бериш ва уларнинг онтологик, гносеологик, аксиологик табиатини очиб бериш;

мамлакатимиз ҳудудларидаги моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнини ўрганиш ва уйғунлаштириш асосида уларнинг мафкуравий харитасини тузиш;

ёшларнинг моддий ва маънавий дунёқарашини, меҳнатга бўлган лаёқатини янада ривожлантиришнинг устувор вазифаларини кўрсатиш;

бозор иқтисодиёти шароитида маънавий истеъмолнинг турлари, принциплари, нормалари, уларнинг моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнини уйғунлаштиришдаги ўрнига доир тавсия ва амалий таклифларни ишлаб чиқиш ва тавсия этиш;

моддий ишлаб чиқариш жараёнида моддийликнинг маънавийликка ва аксинча, маънавий ишлаб чиқариш жараёнида маънавийликнинг моддийликка айланиб бориш тенденцияларини ёритиб бериш.

**Тадқиқотнинг объектини** ижтимоий тараққиётда Ўзбекистоннинг моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёни ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиёти шароитида моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнини уйғунлаштириш омилларини тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда синергетик, диалектик, тизимли ёндашув, тарихийлик ва мантикийликнинг бирлиги, таққослаш, киёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

миллий тараққиётда моддий ва маънавий ишлаб чиқаришни уйғунлаштиришнинг яқкалик, хусусийлик ва умумийлик каби диалектик хусусиятлари очиб берилган;

моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнини уйғунлаштириш мақсадида ҳудудлар кесимида мафкуравий хариталар тузиш зарурлиги асослаб берилган;

инсон меҳнат фаолиятида моддий ва маънавий ишлаб чиқаришни интеграцияловчи алоҳидалик ва умумийлик каби атрибутлари субстанционал жой алмашиб келишида эҳтиёжларни интенсиф ўсишиб боришини таъсири аниқланган;

бозор иқтисодиёти шароитида моддий ва маънавий ишлаб чиқаришни уйғунлаштиришнинг рақобатбардошлик, технологик ишлаб чиқариш, моддий эҳтиёжлар ўсиб бориши каби детерминистик хусусиятлари инновацион муҳитда аттрактор (бир нуқтага йиғилиш) ҳолатига ўтиши асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Мамлакат мустақил ижтимоий тараққиётини янада жадаллаштиришда моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнларини изчил тарзда уйғунлаштириш давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, меҳнат ва хизмат

жамоалари, тадбиркорлар ҳаётида тутган ўрни ҳақидаги концептуал қарашлар умумлаштирилган ҳамда конкретлаштирилган;

моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнларининг уйғун тарзда шаклланиши ва ривожланиш қонуниятлари, объекти ва субъекти, институтционал тизими фаолиятини янада ривожлантириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференциялар материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолаларда берилган хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, мамлакат мустақил ижтимоий тараққиётини моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнларини уйғунлаштириш асосида янги босқичга кўтаришда барча ишлаб чиқариш объектларини модернизация қилиш, субъектларнинг инновацион фаоллигини оширишнинг усул ҳамда воситаларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнларини уйғунлаштирувчи объект ва субъектларининг диалектик бирлигидан ташкил топган институтционал тизими элементларининг функционал дифференциаллашуви ва интеграциялашувини ривожлантиришга қаратилган зарурий ҳужжатлар, илмий-амалий ишланмалар, шунингдек, усул ва воситаларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётида моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнларини уйғунлаштириш диалектикасини тадқиқ этиш асосида:

моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнини уйғунлаштириш мақсадида ҳудудлар кесимида мафкуравий хариталар тузиш зарурлигига оид тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2017 йилга мўлжалланган иш режасининг 4, 16-бандларини бажаришда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2017 йил 2 октябрдаги 02/03-823-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялар 2017-2018 йилларга мўлжалланган маданий-маърифий ва тарғибот ишлари умуммиллий Концепциясига сингдирилиб, мазкур йўналишни бошқариш ва назорат қилишнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

инсон меҳнат фаолиятида моддий ва маънавий ишлаб чиқаришни интеграцияловчи алоҳидалик ва умумийлик каби атрибутлари субстанционал жой алмашиб келишида эҳтиёжларни интенсификация қилиш ва бориши ҳамда аҳоли истеъмол маданиятини оширишда моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнини уйғунлаштиришга оид илмий хулосалар, методологик тавсия ва амалий таклифларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси

«Madaniyat va ma'rifat» телеканалининг 2016-2017 йиллар давомида эфирга узатилган бир қатор теледастурлар (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Madaniyat va ma'rifat» телеканали давлат унитар корхонасининг 2017 йил 6 октябрдаги 02-17/760-сон маълумотномаси) ва «Миллат ва маънавият» эшиттиришининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилди (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телеканали давлат унитар корхонасининг 2017 йил 5 декабрдаги O'z/R-1-127-сон маълумотномаси). Мазкур тадқиқот натижаларининг эфирга узатилиши мамлакатимиз аҳолисининг соғлом маънавий истеъмол маданиятини шакллантиришга, моддий ва маънавий ишлаб чиқаришни уйғун тарзда ривожлантиришга имконият яратган;

миллий тараққиётда моддий ва маънавий ишлаб чиқаришни уйғунлаштиришнинг яқкалик, хусусийлик ва умумийлик каби диалектик хусусиятларига доир таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2017 йилнинг II ярим йилига мўлжалланган иш режасининг 23, 35, 106-бандлари ижросини таъминлашда фойдаланилди (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2017 йил 4 октябрдаги 04-13/1267-сон маълумотномаси). Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз ёшларининг маънавий баркамол инсон бўлиб етишишига самарали таъсир қилган;

бозор иқтисодиёти шароитида моддий ва маънавий ишлаб чиқаришни уйғунлаштиришнинг рақобатбардошлик, технологик ишлаб чиқариш, моддий эҳтиёжлар ўсиб бориши каби детерминистик хусусиятлари инновацион муҳитда аттрактор (бир нуктага йиғилиш) ҳолатига ўтишига олиб келувчи ва такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар билан ишлаш фаолиятида фойдаланилган (Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг 2017 йил 18 октябрдаги 02-01/932-сон маълумотномаси). Таклиф қилинган тавсиялар маҳаллаларда уюшмаган ёшлар фаолиятини ўрганишга доир ўтказилган социологик тадқиқотларни комплекс-системали ва факториал таҳлил этишда қўллаш, илмий тадқиқот-ларнинг методологик такомиллашувига ҳамда иш самарадорлигини оширишга имкон берди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 10 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва жадваллардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 142 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мос, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда унинг хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг **«Ижтимоий тараққиётда моддий ва маънавий ишлаб чиқариш диалектикасининг назарий-методологик асослари»** деб номланган биринчи бобида моддий ва маънавий ишлаб чиқариш, уларни уйғунлаштириш масалалари фалсафа фанининг тарихийлик ва мантиқийлик, алоҳидалик, хусусийлик ва умумийлик, объективлик ва субъективлик, ижтимоий макон ва тарихий замон, сабаб ва оқибат, моҳият ва ҳодиса, шакл ва мазмун, зарурият ва тасодиф, имконият ва воқелик каби категориялар нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

Фалсафада моддий ва маънавий ишлаб чиқариш муаммоси энг долзарб масалалардан бири бўлиб, бу файласуфлар томонидан ҳозирги кунда ҳам изчил таҳлил қилинмоқда.

Шу боис ишда мустақил ижтимоий тараққиётнинг субстратини миллий ижтимоий ишлаб чиқариш жараёни ташкил этиши, бунда инсоннинг меҳнат фаолияти моддийлик ва маънавийликнинг бир-бирларини тақозо этиши шаклида намоён бўлиши асосланган.

Ижтимоий тараққиётда моддий ва маънавий ишлаб чиқаришни уйғунлаштириш диалектикаси тадқиқининг назарий-амалий асослари таҳлил қилинган биринчи боб хулосалари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, ҳар қандай жамият ўзига хос бўлган ижтимоий тараққиёт йўлини босиб ўтади. У дунё халқларининг ижтимоий макон ва тарихий замонда эгаллаган ўринларига қараб учта қисмга: бутун жаҳонга хос бўлган умумий ижтимоий тараққиёт; бирон-бир минтақага тегишли бўлган хусусий минтақавий ижтимоий тараққиёт; бирон бир алоҳида давлатга хос бўлган алоҳида мустақил ижтимоий тараққиётга бўлинади.

Иккинчидан, ҳар қандай ижтимоий тараққиётнинг асосий ҳаракатлан-тирувчи кучини инсоннинг ижтимоий меҳнати ташкил қилади. Унинг иштирокисиз ижтимоий тараққиёт ўзининг мавжудлик мақомидан маҳрум бўлади. Инсоннинг ижтимоий меҳнат фаолиятида моддийлик ва маънавийлик ўзининг ифодасини топган ҳолда ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида бамисоли жон ва тан каби ҳаракат қилади. Бу ҳаракатларнинг

кадр-қиймати инсон ижтимоий меҳнат фаолиятининг кўзлаган мақсади ва натижаларнинг диалектик бирлигига қараб баҳоланади.

Учинчидан, мустақил ижтимоий тараққиёт тизимидаги моддийлик ҳар бир инсоннинг яшаши учун зарур бўлган моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнини, маънавийлик эса инсоннинг ички руҳий қувватини, маънавий дунёсини, орзу-истакларини, идеалларини ифодаловчи бир муайян ҳолати ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Моддий ва маънавий ишлаб чиқаришнинг диалектик, синергетик ва ижтимоий институционал детерминистик хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон халқи моддий ҳаётининг асосий компоненти бўлган моддий ишлаб чиқариш жараёнлари иқтисодиёт фалсафаси нуқтаи назаридан таҳлил қилиниб, унга – бу индивид, шахс, инсон ва жамиятнинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий неъматлар ҳисобланмиш озиқ-овқат, кейим-кечак, турар жой, техникавий воситаларни яратиш, истеъмол қилиш, айирбошлаш, тақсимлаш каби жараёнларнинг бир бутун яхлит тизимига айтилади, деган фалсафий таъриф берилган ҳолда, уларни шаклий белгиларига қараб иккита қисмга: биринчиси, мулкчилик тузилишига асосланган моддий ишлаб чиқариш; иккинчиси, тармоқ тузилишига асосланган моддий ишлаб чиқаришга ажратилган.

Буни халқимизнинг ҳозирги кунда аждодларимиздан қолган маънавий бойликларни ўзлаштиришлари учун тасвирий ойна, радио, телеведения орқали қилинаётган рекламалар мисолида кўриш мумкин. Бироқ глобаллашув шароитида маънавий бузғунчилик билан шуғулланаётган “оммавий маданият” соҳиблари манипуляция усулларида фойдаланиб, халқимизнинг маънавий бойликларни истеъмол қилиш жараёнини издан чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар. Халқимиз қанчалик кўп маънавий жиҳатдан тоза бўлган нарса (масалан: китоб)ларни истеъмол қилса, унинг маънавий вужуди ҳам тоза бўлиб, шунга яраша жўш уради ва янги маънавий бойликларни яратиш ҳамда ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжини кучайтириб юборади. Бу эса, ўз навбатида, маънавий ишлаб чиқариш жараёнида фуқароларнинг маънавий бойликларни яратиш ва уларни истеъмол қилиш маданиятини уйғунлаштириш асосида миллий ижтимоий тараққиётни янги сифатий босқичга кўтариш механизмининг мурватларидан бири саналади.

Иккинчи бобнинг илмий хулосалари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, моддий ишлаб чиқариш жараёнининг бир бутун тизим сифатидаги синергетик хусусиятларини, унинг диалектик хусусиятларига қарама-қарши қўйиш мумкин эмас. Бу хусусиятлар бир бутунликнинг икки томонидир, мазкур объектни илмий жиҳатдан билишнинг ўзига хос бўлган йўналишларидир.

иккинчидан, бугунги глобаллашув шароитида Ўзбекистонда амалга оширилаётган маънавий ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзига хос бўлган хусусиятлари: табиий бойликлардан ҳар томонлама унумли фойдаланишнинг янги замонавий техника ва технологиялар асосида йўлга қўйилганлиги; бозор

иқтисодиётининг барча афзалликларидан унумли фойдаланиш, ташаббускорлик ва тадбиркорлик, ишбилармонлик асосида ишлаб чиқаришнинг ташкил этилаётганлиги; узлуксиз тарзда ишлаб чиқариш соҳа ва тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиниб борилаётганлиги; ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқларига инновацияларнинг жалб қилинаётганликлари; соғлом насл, соғлом авлодни ҳосил қилиш ишларининг изчил йўлга қўйилганлиги; дунёга келган соғлом наслни баркамол этиб тарбиялаш учун уларга дунёвий билимларнинг сир-асрорларини ўргатувчи таълим муассасаларини ташкил этиш орқали амалга оширилаётганлиги; кучли ижтимоий ҳимоя юритиш асосида барча кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва кексаларнинг муносиб турмуш кечиришлари учун шарт-шароитлар яратиб берилаётганлиги; ёшларнинг замонавий билим чўққиларини эгаллаши учун зарур бўлган ахборот ва коммуникацион воситалар билан таъминлаш ишларининг мунтазам равишда амалга оширилаётганлиги кабилар билан белгиланади.

учинчидан, маънавий ишлаб чиқариш эса, шахс ва жамиятнинг ақлий ва жисмоний меҳнат қилиш фаолияти жараёнида яратиладиган, элат, миллат ва халқларнинг онгида, вужудида она тупрокқа, оила, ота-она, қариндош, кўшни, мустақил давлат – озод ва обод Ватанга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик каби ахлоқий-маънавий фазилатларни шакллантириб, уларга куч-қувват бағишлайдаган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маърифий аҳамиятга молик бўлган неъматларга айтилади.

тўртинчидан, маънавий ишлаб чиқаришнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳам, унинг ҳосиласи ҳам юксак маънавиятга эга бўлган, ўзининг ақл-заковати, фидокорона меҳнати билан ҳар қандай неъматни ярата оладиган, уни эзгулик сари йўналтира оладиган ҳазрати инсон ҳисобланади.

Диссертациянинг учинчи боби **«Моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнларини уйғунлаштириш усул ва воситалари»** деб номланган бўлиб, унда глобаллашув шароитида методологик жиҳатдан моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнларини уйғунлаштиришнинг оптимал ечимларини топиш учта глобал масалани: «инсон ва жамият»; «социум ва инсоният»; «жамият ва табиат»ни уйғунлаштиришга боғлиқлиги уқтирилиб, уларнинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари фалсафий жиҳатдан тавсифланган.

Моддий ишлаб чиқариш жараёнининг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари ўртасидаги диалектик алоқадорлик, бир томондан, моддий маҳсулларнинг маънавийлик касб этишига кенг йўл очиб берса, иккинчи томондан эса, маънавий маҳсулларнинг моддийлашишига олиб келиши кўрсатилган. Шунингдек, мазкур масалага иқтисодиёт фалсафаси нуқтаи-назаридан ёндашилиб, моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнида моддийликнинг маънавийликка ва аксинча, маънавийликнинг моддийликка айланиб бориш механизмини бозор иқтисодиёти шароитида

моддий ишлаб чиқариш, энг аввало, иқтисодий фаолият эканлигини ҳисобга олган ҳолда «қиймат» тушунчаси орқали ёритишга ҳаракат қилинган.

Учинчи бобнинг илмий муаммолари таҳлилидан қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнларини диалектик тарзда уйғунлаштириб боришда қўлланиладиган модернизация усули деб, жамиятнинг кўп қиррали моддий ва маънавий ҳаётни замон талабларидан келиб чиққан ҳолда замонавийлаштиришга эришиш асосида уйғунлаштиришни таъминлашга айтилади.

2. Худудларнинг маънавий-мафкуравий харитаси деб муайян худудда яшаётган аҳолининг мавжуд воқеликда юз бераётган нарса, ҳодиса ва жараёнларга нисбатан кундалик маънавий онги асосида шаклланган мафкуравий дунёқараши, шу туфайли уларнинг ҳаракат қилиш даражаларини ўзида акс эттирувчи тизимли мантиқий кўринишларнинг яхлит кўзгуси-ифодасига айтилади.

3. Худудларнинг маънавий-мафкуравий харитасида акс этирилган худудлардаги мафкуравий вазият диагностикасидан келиб чиқиб, моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнларини диалектик уйғунлаштириш учун тезкор тегишли маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий чоралар кўриш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

4. Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: «Барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни инновацион ривожланишсиз, кенг кўламли илмий-техник кооперациясиз ва янги технологиялар, илм-фан ва техника ютуқларини жорий этмасдан тасаввур қилиб бўлмайди»<sup>1</sup>.

## ХУЛОСА

Ўзбекистоннинг мустақил ижтимоий тараққиётида моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнларини уйғунлаштириш диалектикаси муаммосининг турли жиҳатлари тадқиқи асосида келгусида халқимиз ҳаётида содир бўладиган ҳодиса ва жараёнларнинг туб моҳиятини ўрганиш борасида янги имкониятлар очадиган қуйидаги натижаларни кўрсатиш лозим:

1. Ишлаб чиқариш инсон ҳаёти ва фаолиятини ташкил қилишнинг универсал усули бўлиб, уни ташкил этувчи тизимлар: ижтимоий ҳаётнинг генетик асоси бўлиб хизмат қилувчи мустақил хусусиятларга эга бўлган моддий ишлаб чиқариш ҳамда маънавий ишлаб чиқариш жараёнларининг узвий диалектик бирлигидан иборатдир. Бунда моддий ва маънавий омиллар ўртасидаги детерминацион ва функционал алоқа ва ўзаро боғлиқликлар ижтимоий ишлаб чиқариш фаолиятининг хусусияти ва мазмунини белгилаб беради. Моддийлик ва маънавийлик диалектикаси, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳар бир кичик тизимида турлича рўёбга чиқиб, улар ривожланишидаги қонуниятлар амалга ошишининг энг муҳим жиҳатлари ва

<sup>1</sup> *Мирзиёев Ш.М.* Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл // Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – Б.35-36.

шаклларини белгилаб беради.

2. Инсон ижтимоий меҳнат фаолиятининг ички механизмлари моддийлик ва маънавийликнинг ўзаро бир-бирига айланиши орқали амалга ошади. Инсон ижтимоий меҳнат фаолиятининг мақсади моддийлик ва маънавийлик ўртасидаги зиддиятларнинг ўзаро бирлиги орқали қарор топади. Маънавийлик меҳнатнинг мақсади сифатида зарурат жиҳатидан ижтимоий эҳтиёжларни акс эттириш функциясини бажаради ва меҳнат жараёнини ана шу эҳтиёжларни қондиришга йўналтиради.

3. Моддий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг энг муҳим томонларидан бири – бу одамлар ҳаёти ва фаолиятининг бутун моддий шарт-шароитлари мажмуи билан қарор топган хўжалик юритишнинг иқтисодий шакллари ўртасидаги зиддиятнинг ошиб бориши ва ҳал этилиши жараёнидир. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги кўп жиҳатдан хўжалик юритиш механизмидаги идеал-объектив ва идеал-субъектив иқтисодий шаклларнинг ўзаро алоқаси билан белгиланади. Қиймат, таннарх, иш ҳақи, соф даромад, фойда, молия ва кредит шакллари шу маънода идеал-объектив ҳисобланадики, уларнинг мавжудлиги ижтимоий ишлаб чиқариш фаолиятининг субъектига – давлатга боғлиқ бўлмайди. Ҳолбуки, давлат хўжалик юритиш амалиётида аша шу идеал иқтисодий шакллардан умумли фойдаланади. Идеал иқтисодий шаклларнинг ҳосил бўлишини моддийлик ва маънавийликнинг бир-бирига айланиши жараёни сифатида тушуниш мумкин, бу жараён натижасида ривожланаётган ишлаб чиқариш муносабатлари иқтисодий категориялар тизимида билвосита кўп маъноли ва кўп функционаллик хусусият сифатида аксини топади.

4. Маънавийлик ижтимоий ишлаб чиқариш маҳсули сифатида иқтисодий тараққиётнинг рағбати бўлиб, турли ижтимоий ва индивидуал шаклларда намоён бўлади. Иқтисодий ривожланишнинг маънавий рағбатлари жамият объектив иқтисодий эҳтиёжларининг инъикоси бўлиб, иқтисодий онг ҳодисалари сифатида мавжуддир, айтилиши вақтда, жамоавий рағбатлар умумий ва индивидуал рағбат ва талаблар ўртасидаги зиддиятларни ҳал қилиш усули ва шакли сифатида намоён бўлади.

5. Маънавийлик моддий ишлаб чиқариш ривожланишининг ажралмас ички омилидир, уни ташкил қилишнинг барча даражаларига узвий равишда ҳосилдир, у моддий шарт-шароитлар тизими томонидан юзага келтирилади ва ижтимоий фаолиятнинг, ижтимоий муносабатларнинг турли-туман моддий шаклларида ва ишлаб чиқарилган нарсалар (моддий маҳсулотлар)да мустаҳкамланади.

6. Маънавий ишлаб чиқариш ва моддий ишлаб чиқариш диалектик бирликда бўлиб, бунда маънавий ишлаб чиқариш ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан маълум бир маънавий фаолиятларни такрор ишлаб чиқаришнинг нисбатан мустақил ижтимоий ташкил этилган тизими ҳисобланади. Маънавий ишлаб чиқаришнинг барча жараёнлари ички мазмунини хилма-хил маънавий тузилмаларнинг яхлит бутунликка интеграцияси (бирлашиши) ташкил қилади. Маънавий ишлаб чиқариш

пировард натижада маънавийликни тартибга солишнинг шундай махсус механизмини яратади. Улар орқали ижтимоий муносабатлар тизими ижтимоий онгда акс этади ва такрор ишлаб чиқарилади. Маънавий ишлаб чиқариш институционал жиҳатдан шаклланган тармоқ тузилишига, шунингдек ишлаб чиқариш цикллари, яъни ишлаб чиқаришнинг ўзи тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмолни акс эттирувчи «фазавий» тузилишга эгадир.

7. Маънавий ишлаб чиқариш маҳсулотлари йиғиб олинган ҳосил кўринишида маънавийликнинг системали хусусиятларини такрор ишлаб чиқаради. «Маънавий маҳсулот» категорияси ташкилий-ижтимоий муносабатлар тизимида юзага келган маънавийликнинг ички тузилиши (ташкил этилиши) пайтини қайд этади. Маънавий истеъмол предметларида ифодаланган ижтимоий муносабатлар тизимининг ривожланиш якуни ҳисобланувчи жамиятнинг маънавий бойлиги маънавий ишлаб чиқаришнинг умумий маҳсули ҳисобланади. Маънавий маҳсулотлар ва жамиятининг маънавий бойлиги маънавий ишлаб чиқаришнинг генетик, трансляцион ва тақсимлаш-истеъмол механизмлари диалектикасини такрор ишлаб чиқаради.

8. Маънавий ишлаб чиқариш моддий ишлаб чиқариш билан чегарадош бўлган ижтимоий-иқтисодий реалликнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, жамият ижтимоий ишлаб чиқаришининг таркибига киради. Жамият ишлаб чиқариши доимий ривожланишда бўлган, ўзида дифференсация ва интеграция жараёнларини, детерминацион, функционал ва мақсадли алоқаларни диалектик тарзда бирлаштирувчи кўп даражали ва кўп жиҳатли тузилмадир. Ижтимоий ҳаётни алоҳида соҳалар ёки ишлаб чиқаришларга ажратишнинг объектив шарт-шароит бўлиб, турли шаклларда ишлаб чиқариладиган ижтимоий муносабатлар тизимларининг локаллашуви ва нисбий жиҳатдан ажралишига хизмат қилади.

9. «Маънавий ишлаб чиқариш» категорияси моддий ва маънавий муносабатлар ва фаолиятнинг ўзаро боғлиқлигини, реал моддий ва маънавий ишлаб чиқариш асосларида ўсиб чиқадиган ва етиштириладиган мафкуравий муносабатлар тезкорлигини акс эттиради. Маънавий ишлаб чиқаришни ижтимоий онг замирида содир бўладиган тартиб-тамоийларга тенглаштириш ҳамда маънавий маҳсулотларни яратиш, айирбошлаш, тарқатишнинг ва истеъмол қилишнинг иқтисодий шарт-шароитларидан батамом абстрактлашиши методологик жиҳатдан нотўғри бўлади. Маънавий ишлаб чиқариш маънавий маҳсулотларни мақсадли тарзда ишлаб чиқариш, тарқатиш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш бўйича уюштирилган маънавий, мафкуравий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

10. Маънавий ишлаб чиқаришда меҳнат жараёнлари натижаларини тизимли тушунишни ишлаб чиқиш учун асосий категория – «маънавий неъмат» категорияси ишлатилади. Бу категория инсон эҳтиёжларини буюмлашган ёки буюмлашмаган шаклда қондирувчи ҳар хил амалий ва маънавий фаолият турларининг пировард натижаларига хос умумий жиҳатларни акс эттиради. Маънавий неъмат икки шаклда, яъни бевосита

фаолиятнинг фойдали самараси (хизмат) сифатида ҳамда маънавий маҳсулот сифатида мавжуд бўлади.

11. Ижтимоий-иқтисодий реаллик сифатида маънавий ишлаб чиқаришни тадқиқ этишнинг фалсафий методологик асосларини ишлаб чиқиш шarti – жамият ижтимоий ишлаб чиқаришининг иқтисодий ва «технологик» томонлари диалектик бирликда эканлигини тушуниш билан белгиланади. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ички механизмлари (унинг ижтимоий «технологияси») улар юзага келтирадиган ижтимоий-иқтисодий алоқалар тизими билан бирликда кўриб чиқилиши лозим. Маънавий ишлаб чиқариш иқтисодиётини ва хизмат кўрсатиш соҳасини ўрганиш маънавий меҳнат сифатини, маънавий ҳамда маънавий амалий фаолиятнинг мазмуний томонларини фалсафий англаш асосида ўрганилмоғи лозим.

12. Моддий ва маънавий ишлаб чиқариш диалектикасини тадқиқ этиш орқали эришиладиган ижтимоий фалсафий билимларнинг бошқа билимлар билан бўладиган ижодий ўзаро таъсири ва категориял синтези ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланишидаги қонуниятларни билишнинг зарур шarti ҳисобланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.F.02.02.  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ШЕРМАНОВ ИСОБЕК ЧИЛМАМАТОВИЧ**

**ДИАЛЕКТИКА ГАРМОНИИ ПРОЦЕССА МАТЕРИАЛЬНОГО И  
ДУХОВНОГО ПРОИЗВОДСТВА В СОЦИАЛЬНОМ ПРОГРЕССЕ**

**09.00.04 – Социальная философия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

**Самарканд – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по философским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.2.PhD/Fal88**

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице samdu.uz, по адресу www.ziynet.uz информационно-образовательного портала «ZiyoNet».

**Научный руководитель:** **Яхшиликот Журабой Яхшиликотич**  
доктор философских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Чориев Санжар Анваротич**  
доктор философских наук, профессор

**Алиев Бекдават**  
доктор философских наук, профессор

**Ведущая организация:** **Ургенчский государственный университет**

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.F.02.02 по присуждению ученых степеней доктора наук по философии (DSc) и доктора философии (PhD) при Самаркандском государственном университете в \_\_ часов «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (8366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Исторический факультет Самаркандского государственного университета, 1-этаж, 105-аудитория).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под №\_\_). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15.Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(протокол реестра № \_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года).

**Б.О.Тураев**  
Председатель научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
доктор философских наук, профессор

**А.Р.Самадов**  
Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
кандидат философских наук, доцент

**Ш.С.Кушаков**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
доктор философских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Из мирового опыта известно, что на каждом этапе развития человеческой цивилизации гармонизация процесса духовного и материального производства являлось основанием для стабильного развития. Современный этап социального развития также показывает, что обеспечение мира, сотрудничества, глобальной стабильности во всем мире связано с органическим соответствием процесса материального и духовного производства. Это порождает необходимость определения особенностей диалектики гармонизации процесса материального и духовного производства. Решение этой актуальной задачи предполагает дальнейшее совершенствование и внедрение в жизнь реформ в сфере материального и духовного производства.

Несмотря на то, что в современных научных концепциях мировой науки достаточно идей об исторической необходимости, объективных условиях гармонии материального и духовного производства, однако с точки зрения совершенствования теоретико-методологических основ, категорий, понятий социальных наук еще недостаточно исследований, посвященных особенностям оптимальной организации органического соответствия процесса материального и духовного производства. Исследования именно в этом направлении имеют важное научно-практическое значение для рационального управления процессом гармонизации материального и духовного производства. Такие исследования формируются в результате интеграции и дифференциации различных научных направлений.

Либерализация экономики, широкое внедрение в жизнь инновационных идей в процессе развития гражданского общества в Узбекистане, “...переход экономики нашей страны к реформированию рынка открывает путь к новым подходам в развитии научной и инновационной деятельности”<sup>1</sup>. Это открывает широкую дорогу к гармонизации материальных и духовных факторов в социальном развитии, для создания теоретически фундаментальных основ развития конкурентоспособности в производстве.

Данное диссертационное исследование в определенной степени будет служить выполнению задач, поставленных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан “О повышении эффективности духовно-просветительских работ и поднятии на новый уровень развитие сферы” от 28 июля 2017 года, Указах Президента “О мерах по повышению эффективности государственной молодежной политики и поддержке деятельности Союза молодежи Узбекистана» от 5 июля 2017 года, «О мерах по дальнейшему совершенствованию института махалли» от 3 февраля 2017 года, «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года и других нормативных актах по данной теме.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. - 169-бет.

**Соответствие темы исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением ИТД–1 – «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Степень разработанности проблемы.** Научно-методологической основой настоящего исследования явились посвященные духовно-нравственным ценностям, национальному самоосознанию и дальнейшему укреплению независимости высказывания и идеи, изложенные в трудах Первого Президента Узбекистана И.Каримова и Президента Ш.Мирзиёева в годы независимости в процессе осуществления перехода на новый уровень материальной и духовной жизни.

В настоящее время проводится ряд научных исследований по изучению особенностей процесса материального и духовного производства в независимом общественном прогрессе страны и его формировании, управлении, развитии в системном виде. В частности, научные исследования проводили Ж.Я.Яхшиликков по диалектике интенсификации данного процесса в общественно-духовном аспекте, а С.Мамашакиров, Ш.Тогаев, С.Отамуратов - по идейным-идеологическим особенностям, Б.Валиев, Н.А.Абдусаметов - по формированию экономической культуры субъектов материального производству и обеспечению экономической безопасности. В частности, в исследованиях Ш.Тураева<sup>1</sup> показана диалектическая необходимость гармонии экономики и духовности, основное внимание обращено освещению духовных факторов на основе требований национальной идеи.

Из числа зарубежных ученых Л.Барзу, Н.Гирван, К.Григорян, Т.Соснина исследовали общие аспекты данного феномена в качестве широкомасштабного объекта исследования, а со стороны таких ученых Содружества Независимых Государств, как Ю.П.Евдокимова, Л.И.Казакова, И.Б.Сесюнина и другие<sup>2</sup> изучена только духовная сторона вопроса.

**Связь темы диссертации с планами научных исследований высшего образовательного учреждения.** Диссертация выполнена в рамках научно-исследовательских работ Самаркандского государственного университета на тему: “Философско-духовные основы утверждения гражданского общества в Узбекистане” на 2016-2020 гг.

**Цель исследования** заключается в раскрытии диалектических закономерностей гармонизации процессов материального и духовного производства в независимом общественном прогрессе Узбекистана, разработке рекомендаций по методам и средствам их применения на практике.

---

<sup>1</sup> Тўраев Ш. Ўзбекистонда демократик жамият ривожига иқтисодий ва маънавий омиллар уйғунлиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 4, 6, 104 б.

<sup>2</sup> Евдокимова Ю.П. Духовное производство: сущность, структура, особенности развития: Автореф. дис. к-та филос. наук: 09.00.11. МПГУ. – М., 2003. – 29 с., Сесюнина И.Б. Духовное воспроизводство (философско-социологический аспект): Автореф. дис.д-ра филос. наук. 09.00.11. МПГУ. – М., 1992. – 29 с.

### **Задачи исследования:**

